



Олий БАҲТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 23 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 14 май, жума № 78 (1711)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



БИР ҚИШЛОҚ ЧЕВАРЛАРИ

Тошлоқ туманида «Садда» фирмаси ташкил этилганига икки йил бўлди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган шойи ва атлас маҳсулотлари сифатли, бежиримлиги туфайли хариддорларнинг эътиборини тўғрилади.

Корхона ўз фаолиятини бошлашдан олдин «Саноат-қурилиш» акциядорлик тижорат банкнинг Қирғули бўлимидан 9 миллион сўм кредит олди. Керакли бўлган дастгоҳлар сотиб олиниб, маҳсулот ишлаб чиқарила бошлади. Хозирда мазкур фирмада эллик нафардан зиёд йигит-қиз меҳнат қилаётди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нечоғли хариддорлар бўлса, бундан корхона жамоаси ҳам манфаатдор. Айни пайтда эса капрон жаррохлик ипларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Таъкидлаш керакли, мутахассислар томонидан капрон жаррохлик иплари сифати юқори баҳоланади.

Суратларда: ишчи Зукра Аҳмедова; йигирув цехи ишчиси Гавхар Каримова иш устида.

М.ҚОДИРОВ

(ЎзА) олган суратлар



ЕТТИНЧИ ЖИЛД НАШРДАН ЧИҚДИ

Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 7-жилди «Парчин» мақоласи билан бошланиб, «Солиқ» мақоласи билан тугайди. «П» ҳарфининг асосий қисми, «Р» ҳарфининг биринчи ярмидаги мақолаларни ўз ичига олади. Унда жами 3653 мақола бўлиб, умумий ҳажми 130,0 нашриёт-хисоб табоғини ташкил этади.

ЎзМЭ 7-жилдида ҳам табиатшунослик ва ижтимоий-гуманитар фанлар нисбати, миллий ва умумба- шари материаллар нисбати тасдиқланган умумий концепция талаблари даражасида сақлаб қолинди.

Мазкур жилдида барча соҳадан 600 дан зиёд биография мақола берилди. Мезон бўйича буюк мутафаккирлар, давлат ва жамоат арбоблари, Ўзбекистон қаҳрамонлари, Ўзбекистон халқ ёзувчилари, фан ҳамда санъат арбоблари ва бошқалар ўрин олган.

Бу жилдида олдинги жилдларга нисбатан кўпроқ беэза таъминот материал (1000 дан зиёд рангли, оқ-қора сурат) берилди. Уларнинг кўпи оригиналдор. 80 дан зиёд рангли ва оқ-қора харита тайёрланди.

Мақолаларни тайёрлашда 500 дан зиёд муаллиф иштирок этди. Миллий энциклопедиянинг турли соҳалардан фаол муаллифлар гуруҳи шаклланди.

Қисқаси, ушбу жилд ҳам мутахассислар, талабалар, кенг китобхонлар оммаси учун керакли китоб бўлиб қолишига ишонамиз.

(ЎзА)

ИМКОНИАТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Нарпай туманида иш бошлаган «Оқтошмева» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси, мана икки йилдирки, полицилар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўтган йили бу ерда ўн беш минг тоннадан зиёд помидор қайта ишланган эди.

Қайта ишланган томат пасталари хозирча 200-210 килограммлик қоплар ва тунука идишларга қадоқланмоқда. Маҳсулотнинг асосий қисми қўшма корхонанинг Киев ва Тольятти шаҳарларидаги савдо уйлари орқали сотувага чиқариляпти.

Корхонада бу йил йигирма беш минг тоннадан зиёд помидорни қайта ишлаш режалаштирилган.

Фабрикада атлас ишлаб чиқариш цехи ишга туширилиши билан харидорлар ва мижозлар эҳтиёжи тўла қондириладиган бўлди. Бундан ташқари, доқа, кастюм ва шим ишлаб чиқаришни амалга оширишни йўлга қўймоқдамиз, — дейди фабрика раҳбари Абдумалик Холиқов.

Атлас ишлаб чиқариш цехининг тажрибали тўқувчилари Шоира Боймирзаева, Олия Жабборова, Назокат Мирзаева, Ибодат Махмудова ҳамда цех бошлиғи Файзулла Амировлар барчага ўрнак бўлмоқдалар.

Алишер РАҲМОНОВ, «Ишонч» мухбири

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

Меҳр ва мурувват. Шу бир қалима сўз замирида олам-олам маъно мужассам. Инсон борки у меҳрга, мурувватга ташна.

Туманимизда «Меҳр ва мурувват йили» дастури асосида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда ижтимоий таъминот хизмати ходимлари ҳам четда қолишмаяпти.

Кам таъминланган Самад Абдуғафоровнинг тўйи кўпчилигининг ёдида қолди. Зарбдор пахта тозалаш корхонаси, туман Матлубот савдо жамияти билан биргаликда тўй ҳаёратини зиммасига олди. Туман маданият бўлими эса бепул хизмат кўрсатди. Ака-ука Хусан ва Улуғбек Жўраевларнинг никоҳ тўйлари ҳам худди шу таразда ўтди.

Туман электр тармоқлари корхонаси 19 нафар болаларнинг оиласига ойига 1900 сўмлик бепул электр энергияси етказиб берапти. 42 нафар ёлғиз қариялар электр ва газ тўловларидан 50 фоизга озод қилинган.

Наврўз байрами арафасида кам таъминланган 100 та оилга 50 килограмдан ун

«ЎзЖайд» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ҳисобидан вилоят ҳудудида 120 нафар пенсионерларимиз йил давомида автобусларда бепул юриш ҳуқуқига эга бўлишди.

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАРГА ЭҲТИРОМ

Нуронийлардан 400 нафарига байрам дастурхони ёзилди. 10 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг хатна тўйи ўтказилди.

Туманимизда истиқомат қилувчи ва вафот этган байналмилалчилар оиласига 70 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Олти нафар юз ёшдан ошганларнинг «Аср билан юзга-юз» деб номланган юбилей тўйи ўтказилди.

Пенсионерлар, ижтимоий нафақа олувчилар туманимизда 3830 кишини ташкил этади. Уларга ойига 60 миллион сўм тарқатилмоқда. Шуниси қувончли, пенсия ва нафақа пуллари ўз вақтида тўлаб бориляпти.

Искандар БҮРИБОЕВ, Зарбдор туман ижтимоий таъминот бўлими mudiri

ТҮЙЛАРИГА НОВВОС БОҚАР ТОҒАСИ

Одамлар-у одамлар, эшитмадим деманлар! Бугун ҳўжалигимиз ўйингоҳида етмиш нафар ўғлоннинг суннат тўйи бўлади. Ҳамма элимизнинг довуруқи тўйга! Ҳамма тўйга...

Жарчининг эрта тонгданок эшитилган чорловидан сўнг Денов тумани «Ҳазорбоғ» ширкат ҳўжалиги ҳудудидаги Тасмасой, Чоргул, Қувонлисой, Чим, Дунётепа ва Янги Ҳазорбоғ маҳаллалари аҳли тўйга шошилди. Маҳалла оқсоқоллари эшикма-эшик юриб, хонадонларни тақдир этиб чиқди. Дарвоқе, Сурхонда ажойиб одат бор. Хонадон соҳиблари, бекалари, қуруқ кетманг деҳ чорловчи елкасига тўн, белбоғ иладилар.

Илоҳим, сизларни ҳам тўйга етказсин, — тилак айтиб дуога қўл очди чорловчилар. — Полвон ўғилларингизни ҳам олиб ўтинглар, зўр кураш бўлади.

Ҳа, ўзбекининг бағри кенг, қўли очик, тўй кўпники, кимдир қўй, кимдир эчки етаклаб келди. Онахонлар қўлида эса дастурхон. Хуллас, тўй бошланди. Меҳмонлар давра тўридан жой эгаллашди. Ҳўжаликнинг «Ҳазорбоғ» ашула ва рақс дастаси ҳамда мактаб ўқувчиларининг шўх қўшиқлари, ажойиб рақслар тантананага янада ажиб бир руҳ бағишлади. Сўнг кураш бошланди. Полвонман деган барча алп йигитлар кураш майдо-

нига йиғилди. Ҳўжалик бошқаруви раиси бақовулгида курашни кекса полвонлар бошлаб беришди. Бирмунча фурсат олишувдан сўнг бақовул иккаласининг ҳам елкасига тўн ётди. Кейин даврага полвон йиғитлар чиқди. Эркин полвонга Аслиддин полвон номзод бўлди. Анвар полвон Жўра полвон билан давра айланди...

Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган эди. Ҳўжаликда яшовчи кам таъминланган хонадонларнинг 70 нафар фарзанди суннат қилинди. Тўйболаларнинг ҳар бирига ҳўжалик маъмурияти томонидан тўн, белбоғ ва 5 минг сўмдан пул берилди.

Меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга доимий равишда эътибор қаратиб келяпмиз. Ҳудудимиздаги кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексалар ҳолидан тез-тез хабар олиб тураемиз. Ҳўжалик аъзоларининг солиқларини мустаҳкамлаш мақсадида турли сихатҳоҳларга йўлланмалар бериб бориляпти. Бу йилги мавсумда кам таъминланган оилалар фарзандларини ором-гоҳларда бепул дам олдиришни ҳам режалаштирганмиз, — деди ҳўжалик касабга уюшма қўмитаси раиси Абдумўмин Мирзаев.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири

Меҳнат муҳофазаси

лар бўлими бошлиғи ҳар хил баҳоналар рўқча қилиб, 57 нафар ишчининг меҳнат дафтарчасини топиб бера олмади.

Бепарволик ва лоқайдлик туфайли 2004 йил

вилоят меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш бошқармаси, унинг шаҳар, туман бўлиmlари мутахассислари бу борада

1380 та қонун бузилиш

ТИЙИННИ ТЕЖАБ, МИЛЛИОННИ БОЙ БЕРАЁТГАНЛАР

тузилмаганлиги фоти этилди. Айбдорларга тегишли чоралар кўрилди.

Меҳнат Кодексининг 81-моддасида «Иш берувчи корхонада беш қонундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт» деб кўрсатиб қўйилган. Аммо, Деҳқонobod тумани корхона ва ҳўжаликларидан ана шу қоидага риоя қилинмаяпти. Жумладан, Умумий оватқатлаш очик ҳиссадорлик жамиятида меҳнат дафтарчалари ходимларнинг ўзларидан саклаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин. «Ўрмон ҳўжалиги» корхонасининг 10 нафар ходимига меҳнат дафтарчалари умуман юриқат қўйилган. «Белибойли» ширкат ҳўжалигидаги лоқайдлик кишини ташвишлантиради. Ходим-

6 декабр куни ишга қабул қилинган Бобохон Турдалиев ҳозирга қадар меҳнат дафтарчасини олмаган. Мутасаддининг вазифасига локқайд муносабати кейинчалик унга қимматга туниши тайин. Айрим корхона ва ташкилотларда эса ҳамон ойкил маошларни муддатидан тўла-маслик ҳолатлари учраб турибди.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, ишлаб чиқаришда инсон саломатлигига зиён етказувчи зарарли омилларни бартараф этиш, бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш ва иш жойларининг санитария-гигиеник талабларига мос бўлиши учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш масъулияти маъмурият зиммасига юкла-

холларини аниқлашди. 421 нафар мансабдор шахсга ёзма кўрсатмалар берилиб, 292 нафар раҳбарга нисбатан маъмурий иш кўзғатилди. Мутасаддилар қонунни бузганликларини учун 4 миллион 927,7 минг сўм жарима тўлашди. Баъзи корхоналарда офир шароитда меҳнат қилаётган ходимлар учун қисқартirilgan иш кунини, қўшимча дам олиш вақтлари жорий этилмаган. Зарарли иш жойларида ишлатилган сўт, парҳез таомлар бериш тартиби бузилмоқда. Бунинг устига жамоат шартномаларининг бандлари тўлиқ бажарилишига эришилмаяпти.

Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

МАҲАЛЛАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Хоразм воҳасининг Питнак шаҳрида Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб ўтказилган турнирда маҳаллалар жамоалари спортнинг беш тури бўйича ўзаро беллашди.

«Навбахор» маҳалласи вакиллари футбол, волейбол, шашка ва кураш бўйича ғолиб бўлди. Шаҳмат бўйича ўтказилган мусобақада эса Саидий маҳалласи вакилларига тенг келадиган топилмади.

МАРКАЗИЙ КЕНГАШ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон кичик, ўрта бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касабга уюшмаси Марказий Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Чори Шодиев Марказий Кенгаш раиси этиб сайланди.

Интиланганга толе ёр САРИОСИЁДА АТЛАС ЦЕХИ

Туманда нафақат галлачилик, пахтачилик, балки саноат соҳасида ҳам муайян. Ютуқларга эришилмоқда. Республикаимизда саноатни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар замирида аввало фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашдек вазифа турибди.

«Нарғиз» АС масъулияти чекланган жамият ана шундай масканлардан бири ҳисобланади. Мазкур фабрикада айни вақтда 90 нафарга яқин ишчи-ҳодим фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ишини рағбатлантириш ва ҳолидан хабардор бўлиш учун корхона маъмурияти ва касабга уюшма қўмитаси ҳамкорлиги ўз самарасини бермоқда. Муборак саналар муносабати билан байрам дастурхони ташкил қилиш, ишчилар ўртасида қизикarli спорт мусобақалари ва танловлар ўтказиш, қолаверса нафақага иззат-икром билан кузатишлар кекса ходимларга совға-салом улашиш аънаъна тусини олган.

Маълумотларга қараганда, бу ерда асосан чойшаб, ишчилар либоси, кўрпа-тўшак каби маҳсулотлар

Оролбўйдан мактублар

Жайхун Жўшиб Оқмоқда

Табиаат билан инсон ўртасидаги уйғунлик ҳақида кеч ўйлаб кўрганмисиз? Кўхна Жайхуннинг тўлкинлари Оролбўйи халқининг куч-қудратини, матонат ва жасоратини эслатади. Инсон манфаати учун амалга оширилаётган катта бунёдкорлик ишлари тўғрисида асос дарё қирғоқлари бир-бирига туташди.

Кўприк қирган тарихда қолади, эл-юрт дуосини олади. Яқинда Хоразм вилоятининг Ҳазорасп ва Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманларини туташтирувчи автомобиль-темир йўл кўприги қуриб битказилди. Мамлакатимизнинг шимолӣ минтақасига поездлар ва автотранспорт қатнови учун яна бир қўлайлик яратилди.

Кенг ва раво йўл сизни Оролбўйининг қадимий маканларидан бири Тўрткўлга элтади. Жайхун соҳилидаги зурад маъво яшиллик оламини буркан. Шаҳар марказида чамандек очилган анвойи гулларнинг ёқими ифори кўнгилга ором бағишлайди.

Баҳор нафасини туйган дов-дарактлар, кўм-кўк хибонлар ўзгача чирой ва кўркамлик бағишлайди. Фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш «Нуроний» жамғармаси раиси чехрасидан нур ёғилиб турган хушумола отахон Ҳайитбой Ҳўжаниёзов билан шаҳар маркази, қишлоқ ва овуллари айланишимиз. Қалбаларда беқўбон кувонч, истиклол тўғрисидаги ҳайвонлар ўзгаришлардан қониқиб ва миннатдорлик туйғуларини жўш уради.

«Юртбошимиз» Бирон-бир кекса инсон давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслиги, ҳеч қачон ўзини ёлғиз сезмаслиги лозим» деб тақдор-тақдор ташқиллайди, — дейди ёшқил мамнулик билан.

Туманимизда йигирмадан ортиқ юз ёшдан ошган қаришлар бор. Улар муруват ва саховатда, меҳру шафқатга чулбаб олинган. Яқинда туман ҳокими А.Ибрагимов, фахрийлар жамғармаси раиси Ҳ.Ҳўжаниёзов, ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи К.Сержоновлар овулларида истиқомат қилаётган Шукур момо Ғойибова,

Норжон она Абдиева, Дурди момо Сетембетовларнинг аҳолидан хабар олиб, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари топширдилар. Муруват йилдаги гамжўрликдан дол қадлар тоғдек кўтарилиб, кайфияти чоғ бўлди.

Туманда 160 мингдан ортиқ аҳоли бўлиб, уларнинг 109 минг нафари қишлоқларда истиқомат қилади. Турмуш фаровонлигини юксалтириш бўйича ибратли ишлар амалга ошириляпти. Туман марказидан анча олисда жойлашган Мискин овулида 35 миллион 292 минг сўм маблағ сарфланиб, 50 ўринли қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. «Янгиобод» маҳалласида янги гузар қад кўтарди.

«Ёнбошсуқурилиш» бирлашмаси томонидан 28-қоллежнинг 600 ўринли ўқув биноси, 100 ўринли ётоқхонаси қуриб битказилди. 22 километр йўл таъмирланди. Янги бозор қурилиб, теннис корти ишга тушди. «Богён» канали соҳили ободонлаштирилиб, серманзара бог яратилди. 22 километр узунликда ичимлик суви қувурлари, 5 километрли газ тармоғи ётқизилди. Туман марказида бунёд этилган Ёшлар ҳўбони йиғит-қизларнинг ҳақиқий оромгоҳига айланган.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига 337 миллион сўмлик кредитлар ажратилганиги тадбиркорлик ҳаракатининг кенг қўлчи ёйишини таъминлади. Овулларида яшаётган туғиш ёшидаги аёллар ва усмир қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида тўлиқ тиббий қўриқдан ўтказилди. Бугунги кунда 22 даволаш-профилактика муассасалари, 6 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 9 қишлоқ врачлик пункти, 750 ўринли шаҳар шифоатхонаси, 100 ўринли болалар шифоатхонаси ва бошқа тиббий маканлар ишлаб турибди.

Президентимизнинг «Болалар спорт жамғармасини

ташқил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори талаблари асосида ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва руҳан баркамол бўлиши учун гамжўрлик кўрсатиляпти. 20 минг ўринли марказий ўйингоҳ, 246 та спорт майдончаси, 51 та спорт зали, 2 теннис корти, кўлаб кураш, волейбол, баскетбол, футбол майдонлари ёшлар хизматида. 101 та жисмоний тарбия жамоаларида 12 мингдан ортиқ болалар спорт билан машғул.

«Меҳр ва муруват йили» муносабати билан дастур ишлаб чиқилган. Туманда 19 мингдан зиёд нафақахўрлар бўлиб, уларнинг 17 мингта-сини кексалар ташқил этади. Ҳомий ташкилотлар томонидан кам даромадли оилалар ва фахрийларни қўллаб-қувватлаш учун 24 миллион 238 минг сўм маблағ сарфланди. 12 миллион 558 минг сўмлик ҳар хил совғалар, кийим-кечаклар тарқатилди. Қаримбой Бозов раҳбарлик қилаётган «Баракат» хиссадорлик жамияти олинган фойдалан ногиронларга 1 миллион 635 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

Тумандаги «Шўраҳон», «Мискин», «Ўзбекистон», Шароф Рашидов, Ободжон Дурдинов, Ёқуб Эломов, Қосим Нуриддинов, Йўлдош Қурбонов номли ҳўжаликлар, «Нуроний» жамғармаси қошидаги «Умид» ёрдамчи ҳўжалиги, «Автойўл» бошқармаси, Шуҳрат ва Фарход Тожибоевлар, Абдулла ва Пулат Менлибоевлар, Тўхтабой Юсупов каби тадбиркорлар кам таъминланган оилалар ва ногиронларга буюдой, ун, гўшт етказиб бериб, моддий хизматдан қўллаб-қувватлашмоқда.

Баҳор Амударё соҳилидаги гўзал макан чиройини янада очиб юборди. Туман маркази қишлоқ ва овуллари, қонадонларни айлансангиз анвойи гулларга тўла кўркам хибонларга, ям-шил дарахтларга кўзингиз тушади. Она тўрқор ҳиди билан гуллар ифори-дан кўнгуллар равшан тортади. Дехқонлар мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратишяпти. Бўғбонлар яхши ният билан қўчат ўтказиб, боғу роғларни кенгайтирмоқдалар. Оролбўйи овуллари, дала даштларида ижодкорлик меҳнати жўш урмоқда.

И.ИСОМИДДИНОВ



«Гурлан» акционерлик жамияти корхонаси пахта толасини қайта ишлаб, трикотаж маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган бўлиб, асосан чет эл технологияси билан жиҳозланган. Асосий хомашё пахта толаси бўлганлиги учун уни тайёр маҳсулот ҳолатига келтириб, республикамизнинг экспорт потенциалини ривожлантириш имконияти мавжуд. Жорий йилда корхонада 850 тонна калава ип, 4 миллион 630 минг дона тайёр трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Йилнинг биринчи чорагида корхонада 208 тонна калава ип, 1 миллион 129 минг дона тайёр трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш режалаштирилган эди. Амалда 217 тонна калава ип, 1 миллион 210 минг дона тайёр трикотаж буюмлари ишлаб чиқариб, режа топшириқлари зиёда-си билан бажарилди.

Суратларда: ип йиғирувчилар Д.Омонова ва Г.Қодирова; иш бошқарувчи (ўртада) И.Абдуллаев илгор ишчилар М.Ҳалимова ва Ф.Исомиддинов. И.ҲАСАНОВ олган суратлар



Урганч шаҳрининг қоқ марказида жойлашган Ҳотира майдонига келиб-кетувчиларнинг кети узилмайдми. Салкам олтинчи йилларки ёлғиз фарзандини она кўтади. Йўлга тикилганча тош қотган. Аммо неча ёнғир ва қорлар ёғиб ўтди, излар босилди. Қадр топмаган қишларнинг иззатини жойига қўядиган аялдошлар дунёга келди. Лекин у қайтмади, қайтмас бўлиб, ўзинга ҳайқал қурди.

Меҳр - кўзда

Хотира ва Қадрлаш кўнига бағишланган тантанага фойз қиритишда тадбиркор ва ишбилармонлар вилоятдаги корхона ҳамда ташкилот-

ОРОМГОҲЛАР МУНТАЗИР

Болалар орақиб кутган ёзги таътил ҳам яқинлашиб қолди. Тошкент вилояти қасаба уюшмалари кенгаши ёз мавсумига жиҳдий тайёргарлик кўрмоқда.

Бу йил вилоятдаги оромгоҳларда ўн икки минг 960 нафар бола уч босқичда дам олади, дейди вилоят қасаба уюшмалари кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлим мудир Э.Раҳмонова. Айни пайтда шаҳардан ташқаридаги ўн тўрт оромгоҳ мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Таътил даврида кам таъминланган 270 оила фарзандлари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига йўланмалар бепул берилади.

«АНЖИРОТА» - ШИФОБАХШ СУВ

Шеробод туманининг Қўхитанг тоғи этагидаги Пошхурт қишлоғида чанқовбости шифобахш сув ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Воҳид бобо Маматкулов» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида қадқоланган шифобахш «Анжирота» бўлоқ сувлари ҳодимлар жами 273 нафарни ташқил этади. Ҳодимлар малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда улар Марказий банк, Минтақавий ўқув маркази ва бошқа жойларда тажриба орттириб келишяпти. Янги қунарларда Навоий шаҳрида янги филиал очиб режалаштирилмоқда.

Феруза ЭҒАМБЕРДИЕВА (ЎЗА)

ШЕРЮРАК ИНСОН ЭДИ

Яқинда Жиззах вилоят «Нуронийлар уйи»да икки ишлар бошқармаси фахрийлар кенгаши ташқило-ти ташаббуси билан генерал-майор Ерўлла Норбековнинг хотира кечаси бўлиб ўтди. Унда марҳумнинг фарзандлари, яқинлари, шоғирдлари, вилоят меҳнат жамоаларининг вакиллари иштирок этиб, инсонийлик фазилатлари, нури хавтини хотирладилар. Марҳум руҳига Қуръон тиловат қилинган. Шу кўни Наврўзбулоқ қишлоғида Е.Норбеков хотирасига бағишлаб «Ватанпарвар» ташқилотининг автопоғида бўйича Ўзбекистон чемпи-онати ҳам бўлиб ўтди.

А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий-ижтимоий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда банк муассасаларининг ўрни беқисс. Негаки, ишлаб чиқариш билан шўғулан-наётган тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер ҳўжаликларининг молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аҳолига қўлай ва ҳар томонлама манфаатли хизматлар кўрсатишда банклар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Хусусий ёпиқ турдаги акционерлик-тижорат «Парвинабанк»нинг ташқил топганига кўл бўлгани йўқ. Шунга қарама-сандан, ўтган қисқа вақт мобайнида узокни қўлаб, самарали фао-лият юритиш натижасида сал-моқли ютуқлар қўлга киритил-ди. Биргина бошланғич низо-м капиталининг бир миллиард сўмга етганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Ҳозирги кунда банк томонидан мижозларга турли хизмат-лар кўрсатиш йўлга қўйилган. Хусусан, миллий ва чет эл вал-ютасида жисмоний ҳамда юри-дик шахсларга индивидуал ти-зимда ҳисоб-кўсса хизматлари кўрсатиш, пул-тўлов ҳужжатла-рини қисқа муддат ичиде элект-

рон тўлов тизими асосида ўтказиш, бепул ҳисоб рақамлари очиш, аҳолининг бўш пул маблағларини улар учун қўлай шартлар асосида жалб этиш, инвестицион ле-йиҳаларни хориж валютасида ло-қитлаш каби хизматлардан мижоз-лар тўла қониқиб ҳосил қилиш-моқда.

«Парвинабанк» мижозларининг асосий қисмини кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташқил қилиб, улар фаолиятига ҳар то-монлама кўмак берилмоқда. Шу-нингдек, ишлаб чиқариш, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида катта эътибор қаратилмоқда. Кор-хона ва ташқилотларга кредит аж-ратиш кенг йўлга қўйилган. Ми-қросот учун, жорий йилнинг 1 апрел ҳолатига қўра ажратилган кредит-

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

лар миқдори 10 675, 5 миллион сўмини ташқил этган бўлса, унинг қарийб 60 фоизи ишлаб чиқариш-

зиш ва дераза ромлари, музлат-кичлар учун эҳтиёт қисмлар ҳамда ПЭТ бутилкалари учун преформа-

КРЕДИТЛАР ишлаб чиқаришни ривожлантиришга

ни ривожлантиришга йўналтирил-ган. Бундан ташқари, банкда «Western Union» пул ўтказиш ти-зимини кенг фаолият олиб бораёт-ган бўлиб, қисқа вақт ичиде дунё-нинг исталган жойидан маблағлар ўтказиш имконияти мавжуд.

Банк билан Ҳалқаро Молия кор-порацияси ўртасида уч йил олдин умумий сўммаси 1 миллион АҚШ долларига тенг кредит линияси очини учун келишув имзоланган-лигини катта ютуқ сифатида эъти-роф этиш жоиз. Мазкур линиядан 3 та лойиҳа молиялаштирилди. Аж-ратилган кредитдан пластмасса-

лар ишлаб чиқариш йўлга қўйил-ди. Ҳозирги пайтда Европа Тикла-ниш ва Тараққиёт Банки билан кре-дит линияси очиб бўйича музока-ралар олиб борилмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағла-рини жалб этиш ва қўшимча дар-ромадини ошириш мақсадида банк томонидан жамғарма сертификат-лари чиқарилган, — дейди банк бошқаруви раиси Дилшод Пула-тар. Улар қишлар учун катта қўлайлик яратмоқда. Бониси, сер-тификатни таҳдим этган шахсга омонати учун йилга 32 фоиздан 40 фоизгача пул тўланади. Шу-нингдек, бўш пул маблағи бўлган

корхона, ташқилотлар учун депозит сертификатлари чиқарилган бўлиб, улар бўйича ҳам юқори фойз ставкалар тўланмоқда.

Ҳозирда Самарқанд, Тошкент ва Бухоро шаҳарларида банкнинг фи-лиаллари иш олиб бормоқда. Ай-ниқса, мини банклар фаолиятини амалга ошириш бўйича қилинган кенг қўламли ишлар ўз самараси-ни бермоқда. Бу мижозларга қўлай шароит яратиш билан бирга улар сонининг ошишида муҳим омили бўлмоқда. Бугунги кунда 25 та банк шохобчаси аҳолига намунали хиз-мат кўрсатмоқда. Уларда ишлаёт-ган ҳодимлар жами 273 нафарни ташқил этади. Ҳодимлар малакаси-ни оширишга катта эътибор қарат-илмоқда. Шу мақсадда улар Мар-казий банк, Минтақавий ўқув мар-кази ва бошқа жойларда тажриба орттириб келишяпти. Янги қунар-ларда Навоий шаҳрида янги филиал очиб режалаштирилмоқда.

Феруза ЭҒАМБЕРДИЕВА

«МАРД»НИНГ НОМАРДЛИГИ

Нақд пул тўшумини яши-риш, улгуржи ва чакана савдо қондаларини бузиш, тадбир-корлар томонидан ҳисоботлар-ни сохталаштириш ва даро-мадларни қамайтириб кўрсати-ш — иқтисодиётимиз тарак-қийғига гоятда зид ишдир. Ва-зирлар Маҳкамасининг истеъ-мо товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тар-тибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги шўнингдек, юридик ва жисмо-ний шахсларни рўйхатдан ўткази-шни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оши-рилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлариде яқоридеги тек-конубазарликларга кескин зарба бериш таъкидланган.

Мақсад мамлакатда тўлов интизомини мустаҳкамлаш, шу асосда аҳолининг кам таъмин-ланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга эришишдир. Андижон вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютаси оид жиноят-ларга қарши курашиш бошқ-армаси бу борада изчил фао-лият юритмоқда.

Абдулаҳад Тешабоев Кўрғонтепа туман Навоий шир-кат ҳўжалиги ҳудудидаги «Бўстон» маҳалласида яшайди.

Тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтгунига қадар туман ҳокимли-ги не-не ваъдаларни берма-ди. Солиқ тўшумларини вақтида тўлаш ва ҳисоботларни топи-риш тўғрисида кўюқ ваъдалар берди. Нихоят, 1997 йил нояб-рида фирма тузилгани, юридик шахс мақомини олганлиги ҳақидаги ҳоким қарори қўлига теғди.

Фирмага «Мард» деган антика ном берилди. Тешабоев Кўрғон-тепа шаҳрининг Мустақиллик кўчасида савдо дўконини очиб йўлга тушириб юборди. Тижорат, воситачилик, хоржий шериклар билан қўшма корхоналар тузиш, ҳуллас Абдулаҳаднинг ўзини ур-маган қўнаси қолмади. Вақт ўти-ши билан «универсал» ишбилар-монга айланди. Мўмай даромад илинжида «бурганинг оёғига тақа қоқишдан» ҳам тоймади. Лекин ҳокимликдан чакана ва улгуржи савдо билан шўғулангани тўғри-сидаги руҳсатномани олгани эса, нима учундир «унутганди».

Жарақ-жарақ пуллар фирма низомида белгиланганидек, қас-сага кириб бўлиш ўрнига қис-сага оқа бошлади. Қизғин, туман-да «Мард»нинг мушугини пишт дейдиган киши топилмас-ди. Шу боис иштахаси «карнай» бўла бошлади.

«Асака дон» маҳсулотлари хиссадорлик жамиятида ҳам хам-товоклар топилма қолди. Бир гал 8 миллион 633 минг 159 сўмлик 63495 килограмм ун, яна бир гал 6 миллион 583932 сўмлик

ем маҳсулотларини кўппа-кун-дузи корхона дарвозасидан олиб чиқиб кетилди. Ҳужжатлар-ни расмийлаштираётган корхо-на бошқаруви раиси ва на бош ҳисобчи, на ҳуқуқшўнос, «чакана ва улгуржи савдо учун бе-рилган ҳокимлик руҳсатномасини қани деб сўроққа тутмади. Ўзига теғишли атиги бир-икки тонна омухта ем ёки ун маҳсулотини вақтида ололмади, корхона осто-насида саргайган ўнларча нуноб тадбиркорлар, ишбилармонлар «чаканачи» Абдулаҳадга хавасла-ниб қолавердилар. «Пул бўлса чангалда шўрва» деганлари шўда!

«Мард»нинг эркатойлигини қарангки, ўқоридеги миллион-миллион савдо айланмасини амалга оширган, аммо туман давлат солиқ инспекциясига ҳисоботлар топширилмаган. Бо-шқармасига айтганда, 2003 йил-да 1 миллион 343 минг 800 сўмлик солиқ тўловини яшир-ган.

Абдулаҳад Тешабоев гувоҳно-масини олгунча минг мақомга йўрғалаб, солиқ тўловларига келганда бунчалар алдам-қул-дамлик қилиши барчани тўтоқ-тириб юборди. Одижон Шари-пов бошлиқ туман прокуратура-си ҳузуридаги солиқ ва валюта-га оид жиноятларга қарши ку-рашиш бўлими ҳодимлари на-заридан сохта тадбиркорнинг бошқа «томошалари» ҳам четда қолмади. Биласиз, солиқ тўлов-лари эҳтиёжманд оилаларнинг

«Ишонч» фош этади

ижтимоий ҳимояси қафолатнома-сидир.

Абдулаҳаднинг «фаолияти» элакдан ўтказилганда, 203.900 сўмлик пенсия жамғармаси тўловларидан ҳам номардлик қилиб қочиб юрганлиги ойдин-лашди. Яна бюджет ва бошқа мажбурий тўловлардан 1 мил-лион 840 минг 600 сўм қарз-дорлиги фош этилди.

«Мард»нинг номардлиги ўзи-га қимматга тўшди. Сохта тад-биркор устидан жиноий иш кўзғатилди.

«ТИЛЛА ҚУМ» ОПЕРАЦИЯСИ

Андижон шаҳар А.Ҳайдаров кўча-сида тўхтаб турган «Тик» русумли машина вилоят прокуратураси ҳу-зуридаги СВОЖКК бошқарма инспек-тори Санжар Мирзаевага нима учун-дир шўхали тўшди. Машина атро-фида бегона шахслар айланишиб юрарди.

Суриштирувчи уяли телефон орқали панада турган ҳамкасбла-рини воқеадан огоҳ қилди. Ша-ҳарда айрим шахслар вилоят таш-қарисидан келтириляётган «тилла қум» савдоси билан ноқонуний шў-ғуланаятганликлари тўғрисида солиқ ва валютаси оид жиноятларга қарши кураш бўлими изку-

варлари яхши хабардор эдилар. Тезкор гуруҳ қидирув-кузатув иш-ларини олиб бораётганди.

Санжарбекнинг гумони тасдиқ-лана бошлади. Эшитув, қузатув ус-қуналари ишга тушганди. Мана, ма-шина ёнида айланашаётган 2 киши яна бир кишига қўлайди. Улар тез-тез атрофга олазарак бўлиб қараб қўйишарди. Айби борнинг оёғи қалтирайди, дейдилар. «Учовлон» машина ичкарасида бошларини бир жойга кам қилишиб, нимани-дир муҳокама қилишар, эшитиш аппаратларидан изқуварлар қуло-ғига «сўм, доллар», «тилла» деган узун-ўлоқ сузлар эшитилиб турар-ди. Йигитлар савдо қизгин кета-ётганлигини пайқайдилар.

Ҳамтовоқлар савдога киришиб хўшёрлигини йўқотган эдилар.Изқ-уварлар машинани ўраб олганла-ридагина кўзлари мошдек очил-ди. Йигитлар далилий-ашё — 150 грамм оғирликдаги тилла қум ту-рарди. Суриштирув ишлари шу-ҳонада давом этди. Елланма хари-дор М.Маҳмудов савдоси таъйиқ-ланган тилла қумларни Олтинқўл туман Қўштепа қишлоғида яшов-чи ака-ука Шўхратбек ҳамда Му-хаммадхўё Бегматовлардан сотиб олаётгани ҳақида гувоҳликка ўтди. Хомашўнинг ҳар грами 1250 сўмдан жами 1 миллион 875 минг сўмга харид қилганлиги маълум бўлди. Ушбу ноқонуний олдн-сот-тин пайтида тўддан 1400 АҚШ дол-лари ҳақида 475 минг сўмлик мил-

лий валюта мусодара қилинди. Тилла қуми Навоий вилоятидан қандай қилиб Андижон шаҳрига келтирилганлиги, бунда қимлар-нинг қўли борлиги ҳақида тезкор гуруҳ тергов ишларини бошлаб юборди. Шаҳар бедарвоза эмас, жиноят жазосиз қолмайди.

ЯШИРИН ЦЕХ — КАСОФАТ

Тадбиркорман, деб кўкрағига уриб, амалдаги қонун ҳужжатла-рини четлаб балойи-нафсага бе-рилган қимсалар охири бир кун шарманда бўлишларини йўлла-майдилар. Марҳамат туман «Ис-тиқлол» ширкат ҳўжалиги ҳуду-дида яшовчи Йўлдошали Эрга-шев ана шулардан биридир.

Кейинги пайтларда у солиқ идораларига ҳисобот топшир-майдиган, ўзини кўз-кўз қилади-ган одат чиқарди. Ун маҳсулот-ларини савдосини бошлаб юбор-ганлиги тўғрисида назорат идо-раларига шикоятлар кела бош-лади. Солиқ ва валютаси оид жи-ноятларга қарши кураш туман бўлими ҳузуридаги тезкор тар-киб калаванинг уни «Асака дон-чарини» (эйтибор беринг, яна шу корхона) хиссадорлик жа-миятига бориб тақалаётганлиги-ни аниқлайди. Ҳеч қандай тур-гун савдо дўконига эга бўлмаган ҳолда И.Эргашевга қараши «Дилшод» масъулияти чекланган

жамият ун маҳсулотлари савдо-сини қизитиб юборганди. Дўкон бўлмағач, назорат-қасса машина-си ҳам ўрнатилмаган. Бу дегани, пул маблағлари банкдан ташқари айланаятганлиги, энг ёмонни савдо айланмаси хиссаботларига киритилмаётганлигини кўрсатиб туради. Умуман 15022000 сўмлик ун маҳсулотлари ҳужжат-ларга кирим қилинмаган эди. Ту-мандаги ҳудудий солиқ инспек-тори, туман Давлат солиқ идо-раси ҳодимлари «мен сенга те-ғмай, сен менга» қабилда иш тут-маптим, деган савол туғулади.

Балиқчи туман Балиқчи қи-шлоғидаги ишчилар маҳалласида яшовчи фўқаро Муҳаммаджон Раҳматовнинг аширини цехи ҳам прокуратура ҳодимларининг ҳў-ёрлиги билан ошқор бўлди. У, 0,5 литр симилик ишиши иди-даги «Андижон» аргонини 750 сўмдан наманганлик Нёматжон Холиқовга пуллаётганда қалов-ланди қолди.

Саросимча тушганининг бон-си бор. Хонадон кўздан ўтказил-ганда, арок ишлаб чиқариш учун мосламалар — 180 та акциз мар-калар, қопқоқлар, шиша идиш-лар, спирт маҳсулотлари топила-ди. Уш шариоитида тайёрланаёт-ган қўлбола ароқлар истеъмол-чиларнинг соғлиғига қанчалик зар-рарли эканлигини билсангиз эди. Тадбиркорликни ниқоб қилиб олган уларлар энди суднинг қора курсисида ўтиришибди.

Собиржон РЎЗИМТОВ, «Ишонч» мухбири

ШИФОКОР

фидойи инсон бўлмоғи лозим

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Травмотология ва ортопедия илмий-тектириш институти республикамиздаги етакчи, катта тажриба тўплаган шифо масканларидан. Унинг доверуги мамлакатимиз ташқарисида ҳам машҳур. Бу ерда Н.Шаматов, О.Шокиров ҳамда Б.Берлинер сингари эл эъзозлаган шифокорлар фаолият кўрсатишган.

Айни пайтда тиббиёт масканига Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бош травматолог - ортопеди, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мирҳаким АЗИЗОВ раҳбарлик қилиб келмоқда. Муҳбиримизнинг улар билан қилган суҳбати мавзуси мақсур тиббиёт масканининг айни кундаги фаолияти ҳамда келгуси иш режалари ҳақида бўлди.

Травмотология ва ортопедия илмий-тектириш институти айни кунларда 172 ўринли 8 та катталар ўткир жароҳати, катталар ортопедияси, ўсмирлар ортопедияси, болалар ортопедияси ва бошқа долзарб йўналишлардаги бўлимларга эга. Клиникамизда асосан ўткир тан жароҳати олган беморлардан ташқари туғма ҳамда орттирилган ортопедик касалликларга чалинган беморлар давола-нишмоқда.

Кейинги беш йил мобайнида институтида 3 та катта илмий-техник дастур бўйича тадқиқотлар амалга оширилди. Айни пайтда эса 10 та грантлар бўйича илмий-тектириш ишлари олиб борилмоқда. Қисқаси, шифокорларимиз муттасил изланишмоқда. Бизнинг яна бир илмий йўналишларимиздан бири - компрессион-дистракцион остеосин-

Рустамова, Гулнора Қосимова кабилар фаолият кўрсатиб келишяпти. Шунинг ҳам фахр билан айтиш лозимки, институтида 27 та фан докторлари ҳамда 100 дан зиёд фан кандидатлари тайёрланди. Улар минглаб бемор ва жароҳатланганларга малакали тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

— Ҳукуматимиз ва шахсан Президентимиз томонидан тиббиёт соҳасида ислохотларни изчил амалга оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Сиз етакчилик қилаётган тиб-

тездир. Бу борада қатор янги, самарали ишланмалар юзага келди. Кейинги йилларда ушбу муаммони ҳал этиш учун 20 га яқин юқори сифатли металл, полимер ҳамда композит материаллардан аппарат ва мосламалар ишлаб чиқилди. Уларнинг кўпчилиги Республика-миз миқёсида ва чет эл кўргазмаларида яхши натижаларга эришди.

Шунингдек, олимларимиз томонидан тиббиётнинг дол-зарб масалаларига бағишланган 2 та монография, 5 та илмий мақолалар тўпла-ми, 25 та услубий кўрсатма-лар, 27 та ихтиролар ва кўплаб мақолалар тайёрланди. Айни вақтда жамоамизда тиббиёт фанлари докторла-ри, профессорлар Ботир Миразимов, Раҳмонберди Ҳўжаев, Хамидулла Файзиев, Ахорр Жўраев, Шоҳайдар Шотурсуновлар, тиббиёт фанлари номзодлари Умида

бий масканда бу жараён қай йўсинда кечмоқда?

— Мана шу ислохотлар шарофати ила травматоло-гик-ортопедик хизмат кўрсатиш бўйича ҳам маълум тизим юзага келди. Институти-миз илмий-ташкилий, услубий даволаш маркази бўлгани учун ҳам Тошкент шаҳри-да, вилоят марказларида, вилоятлар ҳудудидаги шаҳар-чаларда кўп профелли ихти-сослашган шифоналар тар-кибида травматологик-орто-педик бўлимлар фаолият кўрсатмоқда. Айни вақтда республикамиздаги 3586 та травматологик-ортопедик ўринда мутахассисларимиз ишлашмоқда. Бу эса керакли ёрдамни бериш учун етарли.

Ҳар бир стационар қоши-да тез ёрдам бўлими ҳам иш-



лаб турибди. Президентимиз-нинг 1998 йилдаги «Ўзбеки-стон Республикасида соғлиқ-ни сақлаш тизимини ислохот-лашнинг Давлат дастури» юзасидан фармойиши биз-нинг олдимизга ҳам янги-янги

ниятига эга бўлиб, ахборот танқислигига барҳам берил-ди. Булар албатта тиббиёт соҳасидаги ислохотларнинг мевасидир.

— Биз эришилган нати-жалар билан чегараланиб қолмаслигимиз, бунинг учун тиббиётда янги-янги йўналишларни кашф эти-шимиз зарур. Бунинг учун хорижий мамлакатлар билан муостаҳкам алоқа ўрна-тиш муҳим аҳамиятга эга.

— Фикрингизга қўшиламан. Бу борада олимларимиз Мус-тақил Давлатлар Хамдўстлиги мамлакатлари ва чет элларга тез-тез ижодий сафар қилиб туришибди. Уларнинг ил-мий маърузалари билан қат-нашишмоқда. Буюк Британия, Австрия ва Туркияга қилинган хизмат сафарларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Айни вақтда биз Харьков травматология ва ортопедия илмий-тектириш институти, Новосибирск ва Новокузнецк илмий-марказла-ри; Москва травматология ва ортопедия институти билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Ҳар йили ўзимизда ишлаб чи-қарилган илмий ишлар тўплам

қилида нашрдан чиқарил-моқда. Буни чет эллик ҳам-касбларимиз билан ўртоқла-шяпмиз. Соҳамизнинг дол-зарб масалаларига бағиш-ланган илмий-амалий анжу-манлар ва форумлар ўтқа-зилмоқда. Бунда чет эллик олимлар ҳам қатнашяпти. «Ўзэкспомарказ», «Ганно-вер» кўргазмаларида ўзимиз яратган мосламалар намой-иш этилди. Утган йилнинг октябр ойида эса VI курул-тойимизни ўтказдик. Унда чет эллик олимлар ҳам қат-нашишди.

— Мирҳаким Жавҳари-вич, кадрлар ишдаги асосий муваффақиятни таъминлайди. Кадрларни танлаш, тарбиялаш бо-расида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ишнинг муваффақияти-ни истеводди, ташаббус-кор, изланувчан ёшлар ҳал этади. Бир сўз билан ай-тганда эртаимиз шу ёшлар қўлида. Лекин шифокорлик фидойиликни талаб этади. Шу боисдан ушбу фазилат-ларга эга бўлган ёшларни тайёрлашга катта аҳамият бераёلمиз. Бунинг учун докторлик ва кандидатлик диссертацияларини ёқлаш бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгаш очдик. 20 га яқин докторлик, 80 дан зиёд кандидатлик диссер-тациялари химоя қилинди. Шу кунгача 1146 нафар травматолог-ортопед ама-лий врачлар фаолият кўрсатишмоқда. Уларнинг 100 нафарга яқини тиббиёт фан-лари докторлари ва ном-зодларидир. Биз бундан бунён ҳам мақсур йўналиш-даги фаолиятимизни изчил-лик билан давом эттираве-рамыз.

Суҳбатдош:
Н.РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

Ижтимоий химоя

10 НАФАР ХОДИМ

даромад солиғидан озод этилди

Вақиллигимиз томонидан меҳнатқашлар манфа-атларини химоя қилишга ҳар томонлама эътибор кучайтирилмоқда. Сафимиздаги 1998 нафар қаса-ба уюшма аъзолари тумандаги марказий юқумли касалликлар шифоналари, катталар ва болалар поликлиникалари, 13 та қишлоқ врачлик амбулато-рияси ҳамда пунктларида, шунингдек, 22 та фельд-шер-доялка пунктларида аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Туман марказий шифонаси маъмурияти билан ҳам-корликда 2002-2005 йилларга мўлжаллаб тузилган жа-моа шартномамизнинг ҳар бир банди мажбурият сифа-тида тўлиқ бажариб келинмоқда. Тиббиёт ходимлари-нинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш мақсадида ойлик иш ҳақларини ўз вақтида тўлашни йўлга қўйган-миз. Тунги навбатчиликда ишловчиларнинг маошига 50 фоиз қўшимча ҳақ тўланмоқда. Янги йил байрамида да-стурхон уюштирилиб, узок йил ишлаганларга, 15 нафар энг моҳир шифокор ва 25 нафар ҳамширага қимматбаҳо эсдалик совгалари топширдик. Наврўз, Мустақиллик, Кон-ституция кўни, қасб байрамлари ҳам шундай тантанавор тарзда ўтди. Халқаро хотин-қизлар байрамида минг на-фардан ортқ хотин-қизларга моддий ёрдам ва эсдалик совгалари берилди. 365 нафар хомиладорлик таътили-даги аёлларга Меҳр ва муруват йилида моддий ёрдам кўрсатишни режалаштирганмиз. Бундан ташқари, ҳар ойда тиббиёт ходимларимизга газ, сув, электр энергияси тўловлари учун 2448 сўм миқдорда компенсация пул-лари тўлаб боряпмиз. Ишловчи ходимлардан 10 нафари иш ҳақидан даромад солиғи тўлашдан озод қилинган.

Кўни кеча ходимларга 162 минг сўмлик операция кий-им-боши тарқатилди. Барча тиббиёт ходимларига ёғми кийим-боши олиб берилди. Зарури шaroитда ишлаёт-ган ходимларимизга ҳар ойда 15 фоиз устам ҳақ тўла-нади. Бундай имтиёзга эга бўлганлардан 50 нафарига ҳар кўни сут ва сутли махсулотлар берилиши йўлга қўйил-ган.

Тажрибали врачлар Майрам Бозорова, Феруза Қулсо-атова, Н.Мавлонов, Аҳмад Хайитов «Ботаника», «Турон», «Чинобод» сыхатгоҳларида, 13 та ходим маҳаллий сыхат-гоҳларда вақиллигимиз ҳисобидан соғлиқларини қайта тикладилар.


Аҳмад ХАЙИТОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари вилоят қасаба уюшма кўмитаси Ангор туман вақиллиги

ҚОНЛИКЎЛДА РАҚАМЛИ АЛОҚА

Мустақиллик кўни арафасида Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) кредити ҳисобига Ўзбекистон телекоммуника-ция тармоғини кенгайтиришнинг иккинчи босқичини амалга ошириш доирасида Қонлиқўл туманида 1100 та абонентга мўлжалланган янги рақамли АТС ишга тушади.

— Янги АТС маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқалари учун каналлар сонини кўпайтириш, турли хил сервис хизматларини тақдим этиш, боғланиш тезлигини, сўзлашув сифатини ошириш имконини беради, — деди «Ко-ракалоқтелеком»нинг техник директори Курманғали Кало-нов. — Энди қонлиқўлликлар ҳам интернетдан фойдалана оладилар.

Шу кунгача туман ҳудудида узунлиги 4,6 километр бўлган кабель ётқизилди, АТСнинг янги биносига Япониянинг NEC ва Хитойнинг Huawei фирмаси усқуналари ўрнатилди.




Ҳ.ХИДИРОВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ ҚАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ




Соҳа ишчи-хизматчиларини
Кон ва металлургия саноати
ходимлари кўни билан самимий
муборақбод этади!

Мамлакатимиз
иқтисодиётини
юксалтириш, ўта
муҳим тармоқни
ривожлантириш,
жондан азиз
Ватанимизни гуллаб-
яшнатиш йўлидаги
фаолиятингизда омад
ва муваффақият
ҳамиша ёр бўлсин!



«Бахт, иқбол... ҳуқуқига эгаман» танловига



БУГУН ОЛИНГАН КҮНИКМА ЭРТАГА АСҚОТАДИ

«Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилиги болалар фонди фаолият кўрсата бошлаганига бир ярим йилдан ошди. Фонднинг асосий мақсади «Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларда тарбияланаётган болаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишларида кўмак беришдир.

Фонд қошида фаолият олиб бораётган ўқув маркази бу ва-зифаларни адо этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда пойтахтдаги «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланаётган 200 нафардан ортиқ болалар ўқув маркази-

миздаги математика, химия, тарих каби ўндан ортиқ фан тўғрисида ва касб йўналишлари машғулотларида қатнашмоқда. - дейди ўқув маркази бошлиги Галина Смирнова. - Бундан ташқари, бу ердаги кутубхона ҳам болалар ихтиёрида.



Yolg'iz Emassan

Миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси Елена Вышенская ўқув марказида рақс бўйича машғулотлар ўтказмоқда.

Бу ерда қизлар иштиёқ билан шуғулланишмоқда. - Хафтада икки марта тикувчилик курсига қатнаيمиз, - дейди 21-«Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиси Настя Сафаева. - Бичиш-тиқишнинг илк сабоқларини билиб олдик. Бизга бу

ерда бўлиш жуда ёқади. Бундан ташқари, ўқув марказида ранг-тасвир бўйича ҳам машғулотлар олиб борилади. Болаларнинг расм чизишга иштиёқи баланд, - дейди уларнинг устози Юлия Григорьевна Веремева. - Болалар чизаётган расмларга қараб ички дунёларини англаб олиш қийин эмас. Ўқув маркази хайрли ишларни амалга оширмоқда. Бугун бу ерда болаларнинг ўз қизиқишлари бўйича олаётган кўникмалари эртанги ҳаётларида асқотади.

Суратларда: ўқув марказида хореография машғулотли пайти; Настя Сафаева тикувчиликни ўрганиши. Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар

Ибрат

ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЙСИН

Меҳр ва муруват йили муносабати билан кам таъминланган оилалар, ноғиронлар ва боқувчисини йўқотган етим-есирлар қўллаб-қувватловчи ибратли ишлар амалга ошириляпти.

Китоб туманидаги «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланувчи 29 нафар қизларни фаол ёшлар ва намунали оила беклари ҳомиликка олишган эди.

Яқинда туман ҳокими Луқмон Гафоров бошчилигида бир гуруҳ оила бошлиқлари хотам-тойлик ва савоатнашани кўрсатиб, ўйил болаларга ҳам эътибор ва марҳамат кўрсатдилар.

Биринчи бўлиб ҳокимнинг ўзи Фаррух исмли болани ўғилликка олди. Луқмон аканинг 3 нафар ўғлонлари қаторига яна бир ширин-шакар фарзанд қўшилди.

«Китобга» худдий газ таъминоти филиали раҳбари Хайрулла Саломов 15 ёшли Умиджон Тўйичевни оталиққа олди.

Умиджон 7-синфда ўқийди. Келажакда ўзим каби муҳандис бўлиб етишмоқчи, - дейди Х.Саломов биз билан суҳбатда. - Унинг ўқилиши давом эттириш ва олий маълумот олишига кўмаклашишни дилмига тугиб қўйдим.

Туман халқ таълими бўлимига қарашли 2-ихтисослашган мактаб-интернат директори Алимардон Норов ўзининг адашини фарзандликка қабул қилди. Еш Алимардон инглиз тилини пухта эггалмоқда. Келажакда юртимизга муносиб фарзанд бўлиб етишига ишончимиз комил.

«Китобдон» масъулияти чекланган жамият қасаба уюшма қўмитасининг раиси Йомназар Эргашевнинг таъкидлашича, корхона 1996 йилдан буён болалар ўйи билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Тарбия масканда яшаётган 5 ўғил-қиз жамоа қарамоғида. Энг ибратлиси, акциялардан келган дивидент ҳисобидан «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига 5 миллион сўм маблағ ажратилган. Болаларнинг банда ҳисоб рақамлари очилган бўлиб, олинган фойдадан маълум қисми ўтказиб турилади. Эндликда ҳар бир боланинг бандада 100 минг сўмга яқин маблағи бор.

Меҳр - кўнгли меҳвори, дилларга энг бағишлайди. Сармождор ёшлар сафига Жамолжон ҳам қўшилди. Жамият раиси Саид Камолов уни ҳомиликка олиб, моддий ва маънавий кўмак берадиган бўлди.

Тумандаги Собир Раҳимов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бурхон Худоев ўзининг тутинган ўғли, ашаддий футбол иштиёқи Алишер Ибодовга спорт кийимларини совға қилди.

Оила эркакларнинг ўрни бўлача. Туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, ҳоким ўринбосари Лола Уроқованинг таъкидлашича, кўнгли ўқис болаларга кўрсатилган меҳр ва муруват оталарна гамиўрнинг яна бир қўринишидир.

Китобликлар азаддан ширинсўз, ҳушумомила, бир-бирига меҳрибон кишилар. Корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари, намунали оила бошлиқлари бошлаган бундай ибратли ташаббус мамлакатимиз бўйлаб ёйишга аргизулки.

ИНСОН БОРКИ ЯХШИ ГАПНИНГ ГАДОСИ

Илм масканида талабаларнинг билимларини баҳолаш реитинг тизими асосида ташкил этилгани, назарий билимларни амалиётда кенг қўллаш йўлга қўйилгани жуда кўл келмоқда. Талабалар вилоят шилинч тиббиёт маркази, 4-шаҳар шифохонаси ва вилоят сил касалликлари шифохонасида олган назарий билимларини соҳа мутахассислари кўмағида амалиётда мустаҳкамлаб бормоқда.

Эътиборли томони, коллеж «Ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси асосида қайта жиҳозланмоқда. Яқинда Япониянинг «Жайка» ташкилоти томонидан дастлабки ўқув-лаборатория ускуналари келтирилди. Бу эса билим даргоҳида анатомия ва физиология ўқитиш имкониятларини янада кенгайтирди. Вилоятдаги тиббиёт коллежлари ичида ягона бўлган замонавий лаборатория ўқув хонасида коллеж талабалари серология тахлиллар ўтказиб, соҳадаги назарий билимларини амалий жиҳарида мустаҳкамлаб олишмоқда.

Коллежда таълим тизими сифатини ошириш, малакали мустахассисларни саралаб олиш ишлари қатта аҳамият қаралди. Коллежда меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мутахассислар қобилият ҳамда малакаларини аниқлашда анкета сўровларидан фойдаланиб йўлга қўйилган. Катъий тартиб асосида ўқитилган мониторингда талабалар томонидан билдирилган фикрлар алоҳида инobatта олинди. Яқинда ўтказилган мониторинг натижасига кўра, бир нафар ўқитувчи ўз вазифасига нолийиб деб топilib, ишдан озод қилинди.

Таълим масканида ўқитувчи ва талабаларни ижтимоий жиҳоялаш, меҳнатни кадрлаш, кўнглили дам олишларини таъминлаш маъмурият ва қасаба уюшма қўмитасининг доимий диққат марказида. Айни кунда коллежда 300 ўринли талабалар ётқоҳонаси тикланмоқда. Меҳр ва муруват йили муносабати билан ҳар ойда 10 нафар кам таъминланган оила фарзандлари учун бепул тушлик ташкил қилинган. Икки нафар аълочи талаба вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшма қўмитасининг стипендианти бўлиши. Шунингдек, жамоа шартномасида белгиланганига кўра коллеж мураббийлари ҳар йилда «Каркидон» сув омбори оромгоҳларида бепул хордик чиқариб қайтишади.

Р. КАМОЛОВ

Хабарлар оқимидан

Бокс

ЎТКИРБЕК АФИНАГА БОРАДИ

Покистонда ниҳоясига етган халқаро турнирда иштирок этган боксчиларимиз яна битта олимпиада йўлланмасини қўлга киритишди. Сўнгги имконият сифатида баҳоланган бу турнирда боксчиларимиз умумий фойдаланишди. Турнирда уч нафар боксчи билан қатнашган терма жамоамиз вакилларида ўткирбек Хайдаров 81 килограмм ваъзда финалгача етиб келди.

Финалда у туркменистонлик боксчи билан жанг ўтказиши лозим эди. Бироқ, сўнгги паллада унинг рақибини рингда чиқа олмаслигини маълум қилди. Шу боис ўткирбек турнир голиби деб тан олинди ва Афина йўлланмасини қўлга киритди.

Шундай қилиб, Шароф Худойбердиев шоғирдлари йўлланмалар сонини тўққизтага етказди, Осиё қитъасида энг кўп йўлланмалар соҳибига айланди.

А. МАМАЖОНОВ

ПЕДАГОГЛАРГА МАНЗУР АДАБИЁТЛАР

Халқ таълимини ислоҳ қилиш жараёнида қатор янги педагогик технологиялар юзага келди. Мактаб таълимида ўқитишнинг илгор йўналишлари амалга оширилди.

Буллар, шубҳасиз, ўқитувчиларга тавсия этилаётган адабиётларда ўз ифодасини топомқда. Бундай таълимий адабиётларни яратишда Абдулла Авлоний номлидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институти профессор-ўқитувчилари ҳам фаоллик кўрсатишмоқда.

Уларнинг бой тажриба ва самарали изланишлари асосида қатор йўриқнома ва ўқув қўлланмалари босмага тайёрланди. «Мактаб, туман (шаҳар), вилоят узлуксиз методик хизматида малака оширишнинг ташкилий-педагогик асослари» йўриқномаси, «Физика дарсларида инновацион усуллардан фойдаланиб ўқитиш» методик тавсияномаси ҳам мутахассис педагогик кадрлар учун қўлланмага айланиб қолди.

«Таълимда маркетинг хизмати», «Педагогик технологиялар асослари» китоблари ҳам чоп этилди.

МЕХРИБОНЛИК МАСКАНИ

Халқаро «SOS - Kidepport international» жамияти хайрия тадбирларини амалга ошириб келаётган нуфузли ташкилот сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Етим болаларга ёрдам кўрсатиб, уларнинг тарбиясига яқиндан кўмак бераётган жамият ҳимматидан жаҳондаги 130 дан ортиқ мамлакат баҳраманд бўлмоқда.

Ана шу жамият Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўйган. «SOS-Ўзбекистон болалар кишлоғи» уюшмасининг ташкил топишида ҳам бу алоқа кўл келди.

Мазкур нуфузли уюшма ўзининг олти йиллик фаолияти давомида қатор ибратли тадбирларни амалга оширди. Қўллаб етим-есирлар мустақил ҳаётга тайёрланди.

«SOS-Тошкент болалар кишлоғи» тузилганига эса уч йилдан ошди. Болаларнинг сеvimли масканига айланган бу гўшада қўлгина бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Ҳозир қилқоқ бир неча оилавий кotteж, болалар боғи, меҳмонхона, спорт ва ўйин майдончаларига эга.

Меҳр ва муруват йили дастури доирасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳам эътиборни ўзига тортади. «Сен етим эмассан» деган шир остида янги ташкил қилинган студия ҳам болаларнинг сеvimли жойига айланди.

ЖУРНАЛ-АХБОРОТНОМА

Бугунги кунда мамлакатимизда халқ таълимига доир бир неча матбуот нашрлари чиқарилмоқда. Бундай педагогик газета ва журналлар қаторига яна бир матбуот қўшилиди.

Абдулла Авлоний номлидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институтининг бу нашри «Малака ошириш: муаммолар, изланишлар ва ечимлар» деб номланади. Журнал-ахборотнома кўринишида чоп этилаётган мазкур нашрда зарурий меъёрий ҳужжатлар билан бир қаторда замонавий таълим, инновация жараёни, янги педагогик технологияга доир материаллар ҳам ёритилмоқда.

Институтининг илмий-методик фаолиятига оид янгиликлар ҳам журнал-ахборотнома саҳифаларидан кенг ўрин олаётган.

А.АЛИЕВ

Курашга бўлган эътибор кун сайин кучайиб бораётгани дилларни қувонтиради. Қасаба уюшмалари жамиятларида ҳам турли турнирлар ташкил этилмоқда. Мақсад курашни янада оммалаштириш.

Яқинда ниҳоясига етган Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари жамиятининг тарбия ва спорт жамиятининг учинчи анъанавий кураш турнирида ҳам бу гап ўз исботини топди.

Бахсларда иштирок этган вакилларимиз қарийб барча вазнларда галаба қозонишди. Сабаби полвонларимиз азалдан кураш билан ошно тутинган. Кураш - саломатлик гарови бўлиш билан бирга меҳнат унвондорлигини оширишга хизмат қилади, - дейди Ен-

гил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари Марказий Қўмитаси ташкилий ишлар бўлими бош мутахассиси Зайниддин Уринбоев.

Тошкент Давлат Аграр университети спорт залида кечган беллашуварда 80 га яқин курашчилар ўз омадла-



«Сиз хинд диёрини биласизми?» деган мавзуда уюштирилаётган викториналар ёш истеъодлар учун жиҳдий ижодий интихон бўлмоқда. Бу сафарги бундай ижодий тадбирда Тошкентдаги 21- ва 22-«Меҳрибонлик уйлари»нинг хаваскор расмларига фаоллик кўрсатдилар.

ВИКТОРИНА ФОЛИБЛАРИГА СОВҒАЛАР

Тошкентдаги хинд маданияти маркази ва «Сен ёлғиз эмассан» республика жағмармаси томонидан амалга оширилган ижодий кўриқда энг яхши расмлар бўйича танлов ўтказилди. Бу жиҳдий ижодий беллашува «Хинд гўзали» картинаси биринчи, «Шалола» асари иккинчи ва «Хинд рақси» расми учинчи ўрин билан тақдирланди. Голиб ёшлар тарбия топаётган «Меҳрибонлик уйлари» кутубхоналарига эса «Сиз хиндистонни биласизми?» деган номда чиқарилган маърифий ўйинчоқ мажмуалари совға қилинди.

А.АЛИОХУНОВ

Касаба уюшма тадбири

Б. Боқиев, Т. Тўраевлар голиблик шохсупасига кўта-

ЭНГ ИНТИЗОМЛИ ЖАМОА умумжамоа ҳисобида ҳам биринчи

рини синаб кўрдилар. Турнирда шаҳарнинг 13 та тар-

моқларидан вакиллар қатнашди. Шахсий биринчиликда З. Уринбоев, М. Алиев ҳамда шаҳар йўл-қурилиш таъмирлаш корхонаси хайдовчилари Т.Гаджиев, А.Юлдашев, «Сувоқова» корхонаси хайдовчилари Г. Писчасов, И.Раҳмонов ҳамда «Тошгаз» корхонаси слесарлари

рилиши. Бахсларда ноғиронлар ҳам гиламга тушдилар. Унда шаҳар қар-сқовлар жамияти вакиллари Д.Пирназаров, И. Машиевлар зафар қўчишди.

«Энг интизомли жамоа» номинациясида шаҳар энгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари

касбаба уюшма вакиллари алоҳида соврин билан тақдирланди. Уларга умумжамоа ҳисобида ҳам биринчилик насиб этди. Ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари қасаба уюшма вакиллари иккинчи, Кичик бизнес, матбуот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар қасаба уюшма вакиллари кейинги ўринни эгаллашди. Голиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирландилар.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ишонч» муҳбири

Жума ўғитлари

Ривоятлар, турли исломий арбоблар, диний-фалсафий оқимларнинг асосчиларининг ҳаёти, турмуш тарзи, комиллик йўлидаги тутган русуми гоётда нафис, тадрижий-тақоимда ўз аксини топган. Бундай жиҳматларни ўқиганда бизнинг билимимиз чуқурлашади, имонимиз бут бўлади, ҳаётга ва охиратга қарашимиз теранлашади. Бу байлардаги ҳар бир сўз, ибора, ҳатто изозфа замирида нозик нуқталар қат-қат бўлиб ётибди. Ана шуларни тўғри идрок этиб, аниқ тушутиришдангина биз мақсадага эриша оламиз.

ҲИҚМАТЛАРДАН НАМУНАЛАР

Аҳли дунё халқимизда саховат йўқ, Подшоҳларда, вазирларда адолат йўқ, Дарвешларнинг дуосида ижобат йўқ, Турлуқ бало халқ устига ёғди, дўстлар.

Аё дўстлар, нодон бирла улфат бўлуб, Бағрим куюб, жондан туюб ўлдум маню. Тўғри айтсам эгри йўлга бўйин тўлар, Қўнлар ютуб, ғам захрига тўйдум маню.

Ер остига кирдим нодонлардин, Илким очиб дуо тилаб мардонлардин, Бағрим жоним ўз тасаддуқ донолардин; Доно топмай ер остига кирдим маню.

Қайда кўрсанг кўнгли синуқ мархам бўлгин, Андоқ мазлум йўлда қолса ҳамдам бўлгин.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлаган

Жиззах вилоти Дўстлик туманидаги Фафур Булоқ номили 2-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Норқуллов Муроджон Бўрибоевич номига 1995 йилда берилган 074824 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

АҲМАД ЯССАВИЙ

Аҳмад Ясавий умр бўйи Ислон фарзу суннатларини тарғиб этиб, инсон қадрини эъзозлаган санъаткордир.

Бўлғуси шоир ва дини шарият пешвоси Ҳўжа Аҳмад Ясавий XI асрнинг ўрталарида Сайрамда Иброҳим ота оиласида дунёга келади. У гўдаклигидек оиласидан, 7 яшарлигида отасидан ажралди. Уни бобоси Арслон бобо (Арслонбоб) тарбиялайди. Балогатга етгач, у отаси Шайх Иброҳимнинг муриди - халифаларидан бири Музо Шайхнинг қизи Ойшага уйланади. Унинг Иброҳим отли ўғли, Гавҳари Шайхноз отли қизи бўлган. Аҳмад дастлаб Яссиди ўқийди, сўнгра бобосининг тавсияси билан Бухорога бориб, мадрасада таҳсил кўради. Бу ерда у фикр илмининг устози шайхулислом, тасаввуф фалсафаси донишманди Юсуф Ҳамадонийдан таълим олган.

Аҳмад Ясавий устози вафотидан кейин тизроқ вақт Бухорода унинг ишини давом эттиради. Ясавий фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ ўз дунёқарашини халқ орасида кенгроқ ёйиш мақсадида туркий қўшиқларга яқин шеърлар ижод қила бошлади. Кейинчалик Яссига қайтиб, қўллаб тарафдорлар, шоғирдлар ортиради. Ривоятларга кўра Аҳмад Ясавий 63 ёшга, яъни пайғамбар ёшига етгач, ер остига кетди, умрини тоат-ибодат, риёзатда ўтказиб, 125 ёки 133 ёшда 1166-67 йиллар орасида вафот этган. Шарқда ўтган аксарият суфи-донишмандларнинг 100-120 йил умр кўрганлигини инобатга олсак, Ясавийнинг шунча йил умр кўргани ҳам аниқ ҳақиқатдир.

Бизга қадар Ясавийдан «Девони ҳиқмат» номли шеърлар китоби сақланиб қолган. Бу асар ҳамма замонларда, барча туркийзабон авлодларга манзур ва мақбул бўлиб келган. Зероки, у инсонни аол комилликка элтадиган дин, имон, эътиқоҳда собитлик, ҳалоллик, покликни тарғиб-таъшиқ этди.

Ясавий ҳиқматларида тўғрилик, меҳнатсеварлик, мўминларга меҳрибонлик, инсоф, муруват гоғларини илгари сурган. Айрим ҳиқ-

матларда биз ижтимоий адолатсизликка қарши кескин фикрларни, дилозор, мардумзор, муфтхўр бўлмасликка даъватни кўрамиз. Айни пайтда Ясавий нодонлик, ҳахолат ва разолатни қаттиқ қоралади. Шунинг учун ҳам ўтмишда Ясавий ҳиқматлари сингари унинг шахсияти, шуҳрати ҳам Туркистонда кенг тарқалган. Халқ орасида Ясавийни донишманд, башоратчи ва нозикбин алома Ҳаким сифатида ваасф этувчи қўллаб ривоятлар, латифалар яратилган.

Айрим ҳиқматларда Ясавий меҳнаткаш халқни талаётган замон гаддорларини рўй-рост танқид қилади, адолатли, меҳр-шафқатли бўлишга қорлайди. Хусусан, шайх-зохидлар, айрим муллоларда диёнат кетгани, зулми-зўрликка берилиб, етим-есир, фуқаро ҳақини еийишдан қўрқмаётгани фош этилади: XI-XII асрларда Хуросону Мовароуннаҳрда юз берган қаҳатчилик, ўзаро урушларнинг хунук оқибатлари танқид қилинади; адолат, инсоф, раҳм-шафқат ўрнини бедийнатлик, табақбур олганидан нолийди, химосиясиз қолган халққа ҳамдардлик изхор этади. Бундай ҳиқматларда ижтимоий руҳ билан маънавият ҳақидаги фикрлар қоришиб кетади.

На анюда раҳм қолди, на атода, Ого-ини бир-бирига можарода. Муслмонлик даъво қилур, ичар бода, Мастиг билан қариндошдин тонди, кўринг. Нокас, ҳасис, бедийнат қўллар ҳоким, Моуманилик ҳаддин ошиб бўлди золим, Халқ ичинда хор бўдилар дарвеш, олим, Ҳимояти халқни кофир бўлди, кўрунг.

Аҳмад Ясавий ҳиқматлари нафақат гоғвий жиҳатдан, балки бадийий нуқтаи назардан ҳам XII аср туркий шеърятининг мумтозидир. Зероки улар гоётда равон оҳангда, жонли тилга яқин ибораларда битилган. Ҳар бир сўз ва ибора қатъий мезонга, мувозанатга эга. Охириги мисра-нақоратомуз бўлиб бандларни бир-бирига пайваст этиб туради. Улар китобхонни ўйлашга, фикр юритишга ундайди, тафаккур кирраларини чархлашга ёрдам беради.

Ясавий ҳиқматларида инсоният пайдо бўлгандан бериги тарихий ҳақиқат, афсоналар,

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар булими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топшириш вақти - 21.20

Маъмулимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

ISHONCH Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

</